# ЎЗ УЙЛАРИДАН ФАРҚИ ЙЎҚ

***ЙИЛНИНГ** ёз ойлари эди. Тошкент Давлат Аграр Университетига вилоятларнинг биридан ўғлини кўргани келган отахон ҳовлидаги талабалардан фарзандини сўраб-суриштирди. Йигитлар агроиқтисод куллиётининг ётоқхонасини кўрсатиб юборишар экан, севинганиданми, эндигина лабига сигаретани олмоқчи бўлиб турган меҳмонни "Бизда чекиш мумкин эмас", дея тўхтатишди.*

***Ҳайрон бўлиб сигаретани қутисига қайта жойлаган кишига университет жамоаси касаба уюшма йиғилишида ўқув хонасида, ётоқхоналарда ва умуман билим маскани ҳудудида чекишга қарши қарор қабул қилингани, чекувчилар учун эса ўқув даргоҳи майдонининг чеккасидан махсус жой ажратилгани хусусида гапириб беришди.***

— Жуда яхши иш бўлибди-ку, буни ким ўйлаган бўлса ҳам барака топсин, — деди ота ётоҳхонага йўл олар экан.

Мазмун-моҳияти билан ўқув масканида озодаликни, ўқитувчилар, талабалар саломатлигини кўзлаган бу тартиб бизга ҳам ёқди.

Инсон манфаатлари йилида университет ректорати, маънавият ва маърифат маркази, касаба уюшма қўмитаси ҳамда талабалар шаҳарчаси маъмурияти орасталикни сақлаш бўйича олиб бораётган ишлар чиндан ҳам эътиборга лойиқдир. Бунга биз, айниқса, ётоқхоналарни айланганимизда, қизлар учун махсус хоналарда бўлганимизда, ҳар бир куллиётнинг аждодларимиз номлари билан аталган маънавият ва маърифат марказларини кўрганимизда, ўқитувчилар, талабалар билан суҳбатлашганимизда тўла ишонч ҳосил қилдик.

— Университетнинг кундузги бўлимида ва унинг қошидаги лицейда билим олаётганлардан 1200 га яқин талаба ва ўқувчи ётоқхоналарда истиқомат қилишади, — деди дорилфунун ректорининг маънавий ва маърифий масалалар бўйича биринчи проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Хўжамуродов. — Кейинги икки йил мобайнида бу жойларда яшовчиларга катта қулайликлар яратилди. Агроуниверситет ректори, профессор Ҳасан Бўриев ташаббуси билан ҳар бир куллиёт ётоқхонаси учун маънавий ва маърифий мавзуларда суҳбатлар ўтказиб туриш мақсадида ўқитувчилар биркитилиб, уларга қўшимча маош тўлаб борилмоқда.

Ўқув даргоҳининг агроиқтисод ва бухгалтерия факультети ётоқхонаси бир бинода жойлашган. Унда икки куллиётдан 299 талаба истиқомат қилмоқда. Бинодаги қайси хонага кирманг шинамлиги, орасталиги, жиҳозларнинг тартибли жойлаштирилгани, ювиниш ва чўмилиш бўлмаси, санитария тармоғининг покизалиги билан эътиборни жалб этади.

## Талабалар ётоқхоналарида

— Бинодаги хоналар аҳоли истиқомат қиладиган уйлар тоифасида қурилган, — деб тушунтирди бизга ҳамроҳимиз. — Ҳар хонада ванна, душ учун алоҳида бўлмалар бор.

Агроиқтисод ва тадбиркорлик бўйича университет проректори, агроиқтисод факультети декани, профессорлар Болташ Абдиалимов; бухгалтерия куллиёти декани Саъди Деҳқоновлар билан Амир Темур ҳамда Форобий номидаги маънавият ва маърифат марказларида бўлдик. Жовонлардаги Президентимиз китоблари, истиқлолимиз йилларида яратилган адабиётлар, бадиий асарлар ихтисосликларга хос рисолалар, қўлланмалар талабалар ихтиёрида. Ҳуқуқ бурчакларидан фойдаланувчилар учун Ўзбекистон Конституциясига оид қўлланмалар, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган фармонлар, қарорлар, турли газета ва журналлар мавжуд. Хоналар саранжом-саришта, илм-фанга, маданий ҳаётимизга оид кўргазма воситалари билан жиҳозланган. Ҳар бир маънавият ва маърифат марказига ўқитувчи ва талабадан иборат масъул кишилар тайинланган. Улар университетнинг марказий кутубхонаси орқали бу масканларни вақти-вақти билан бойитиб боришмоқда. Ҳар иккала куллиёт ётоқхонасидаги қизлар хонаси ҳам эътиборга сазовор. Бу хоналардан қизларнинг бўш вақтларида қўл меҳнатлари асосида яратилган тикувчилик буюмлари кўргазмалари ўрин олган. Жовонларга қизлар аҳлоқ-одобига, шарқона урф-одатларга оид мавзудаги адабиётлар, уй-рўзғор юритишга дахлдор рисолалар тартиб билан жойлаштирилган. Қизлар улардан истаган пайтларида фойдаланадилар. Доцент Ўғилой Орифжонова, Ойгул Азизовалар масъул бўлган бу хоналарнинг қизлар тарбиясидаги аҳамияти катта бўлмоқда.

— Шу йилнинг ўзида талабалар истиқомат қилаётган барча ётоқхоналар тўлиқ таъмирланди. Маънавият ва маърифат марказларининг, қизлар хоналарининг моддий базаси мустаҳкамланди, — дейди Болташ Абдиалимов, — санитария тармоқлари, ошхоналар жиҳозлари янгиланди. Иситгичларнинг қувурлари алмаштирилди. Талабаларга дарс тайёрлашлари учун барча қулайликлар яратиб берилди. Ётоқхоналарда ички тартибни сақлаш бўйича ташкилий тадбирлар ўтказилди.

Ҳар бир ётоқхонага кираверишда истиқомат қилаётган талабаларнинг аниқ рўйхати осиб қўйилган. Биз бундай тартиб ва ўзгаришларни агрономия, зооmуҳандислик, мева-сабзавот, агрохимия ва ўсимликларни ҳимоя қилиш куллиётлари ётоқхоналарида ҳам кўрдик.

Шуниси эътиборга лойиқки, хоналарни озода ва саранжом-саришта, жиҳозларни сифатли сақлаш мақсадида талаба билан шартнома тузилган. Кимки шартномани бузса, қанча жарима тўлаши аниқ кўрсатилган. Айни пайтда хонада барча имкониятлар яратилиши юзасидан университет мажбуриятлари ҳам шартномада ўз аксини топган. Ётоқхонага ҳар бир талаба махсус рухсатнома асосида киритилиши ички интизомни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Биз шу куни ётоқхоналарни айланганимизда Карим Умиров, Насиба Эронқулова, Умирбек Юсупов, Тоҳир Эгамбердиев сингари қатор талабалар билан мулоқотда бўлдик. Улар ҳар бир ётоқхонада ўқитувчилар навбатчилиги ташкил этилганлиги, университетда маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб турилиши, талабалар орасидан сайланган ётоқхона ходимлари фаол тарбиявий иш олиб бораётганликлари, тозалик дафтари ташкил этилиб, озодалик бўйича ғолиб чиққан ётоқхона, хонага мукофотлар берилаётганлиги, бадиий ҳаваскорлик жамоаларида фаол иштирок этаётганликлари хусусида гапириб бердилар.

Б. Абдиалимов, Х. Кимсанбоев, Х. Шералиев, Д. Норқулов, О. Қодирхўжаев, Н. Аҳмедов, Г. Бобоназаров, С. Деҳқонов, З. Сиддиқов, Н. Саъдуллаев, Н. Даминов, К. Абдазов, С. Юсупов, С. Азимов, И. Акмалов, Б. Губин каби олимлар, ўқитувчилар, мутахассислар ҳамиша талабалар билан бирга эканликларини таъкидладилар. Музей, кутубхона, профилакторий, спорт мажмуи, теннис корти, бассейн, ошхоналарда яратилган шарт-шароитлардан ҳурсанд эканликларини билдирдилар.

Агроуниверситет ётоқхоналари билан танишув чоғида бу масканда "Таълим тўғрисида"ги қонунга ва "Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури"га мувофиқ қатор яхши тадбирлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик. Албатта, гап талабаларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида борар экан, бундай имкониятлар чегара билмаслиги ҳаммамизга аён. Мазкур олий таълим маскани раҳбариятининг ўй-фикри ҳам ана шундай.

Бу ерда Президентимизнинг "Замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт", деган сўзлари ўзининг амалий ифодасини топмоқда, дейишга тўла ҳақлимиз.

**Саидвали ҲАСАНОВ.**

# КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШДИ

Янгиангрен ГРЭСИ таркибида ўндан ортиқ корхона ва цехлар ишлаяпти. Кимё цехи йил давомида соатига 200 куб метр сувни уч босқичда кимёвий усулда турли хил туз ва кислоталардан тозалаб, ионлар орқали мусаффо қилиб бераётган эди. Янги йил арафасида цехнинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошадиган бўлди.

— Янги кимёвий сув тозалайдиган ускуна қурилиши пировардига етяпти, — дейди цех бошлиғи Мавлуда Темирбекова. — Эски ускуна занжир шаклида ишлаган бўлса, янги ускунада параллел фильтрлар яхлит ҳолда ҳаракатланиши сабабли ишлаб чиқариш қуввати кескин ошиб, ҳар соатда 500 куб метр сувни тозалаб беради.

Кимё цехи ишлаб чиқаришининг кескин ошиши ўз навбатида бошқа цехларда, шунингдек, корхона бўйича меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини беради.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА**

# ҲИСОБОТЛАР ТИНГЛАНДИ, ТАЖРИБАЛАР ЎРГАНИЛДИ

***ВИЛОЯТ** табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида бўлиб ўтган навбатдаги семинар-кенгаш муҳим масалаларга бағишланди. Унда иштирок этган экологлар, махсус таҳлилий нозирлиги ходимлари, корхона-ташкилотлар жамоалари вакиллари ҳавонинг мусаффолигини таъминлаш, сув ва ердан оқилона фойдаланиш бўйича ишларнинг аҳволини муҳокама қилдилар. Шу масалалар юзасидан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозирлиги бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди.*

Семинар-кенгаш иштирокчилари табиат муҳофазасида қўлга киритилаётган ютуқларни таъкидладилар, айниқса, йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Семинар-кенгашда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг ҳаммаси ҳам вақтида ва тўла амалга оширилмаётганлиги, бунда вилоят қўмитаси ва унинг шаҳарлар ҳамда туманлардаги бўлинмалари ходимларининг ҳам айби борлиги қайд қилинди. Айрим назоратчилар ўз фаолиятларини сусайтириб юбормоқдалар. Буни ҳатто ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам кўриш мумкин. Текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни пухта олиб бормаяптилар. Кўп ходимлар ўз малакаларини ошириш устида етарли ишламаяптилар. Фаолиятларини замон талаблари асосида қайта қурмаяптилар.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳуқуқшуноси Т. Тиллаев "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги республика қонунига киритилган ўзгартиришлар ҳақида батафсил гапирди. Шу билан бирга мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган янги-янги ҳужжатлар ишлаб чиқилаётганлигини қайд қилди.

Йиғилишда Ангрен минтақавий муҳофаза қилиш қўмитасининг давлат нозирлари Т. Когдась ва А. Мираловлар ўзларининг илғор иш услублари билан ҳамкасбларини таништирдилар. Семинар-кенгаш иштирокчилари вилоятда табиатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиладилар.

**П. ЙЎЛДОШЕВ.**

# БАРАКАНИНГ АСОСИ

Ҳар бир фаслнинг деҳқончилик билан боғлиқ, сира ҳам эртанги кунга қолдириб бўлмайдиган ўз юмушлари бўлади. Экин майдонларини кузда шудгорлаб, қишнинг қор-ёмғирида ошган хамирдай кўпчитиб қўйиш ҳам ана шундай кечиктириб бўлмайдиган тадбирлардан биридир.

— Ерга минерал ва маҳаллий ўғитлар солиб ҳайдалсагина, бу ишни маромига етказилди, деб ҳисоблаш мумкин, — дейди Янгийўл тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Саидрасул Мусаев, — Режада белгилангандек 3000 гектар майдонга фосфорли ўғитлар солиб, ажриқ босган 300 гектардан кўпроқ далалар эса гербицидлар билан дориланиб, сўнг ҳайдалмоқда. Маҳаллий ўғитлар тўплаш ва далага ташиб чиқариш ҳам давом этаяпти. 25-30 та тиркамали тракторлар шу иш билан банд қилиб қўйилган, 5000 гектар ердаги ғўзапоялар тозалаб бўлинди. Хўжаликларда дала ишларидан бўшаган техника трактор паркига олиб келиниб, уларни таъмирлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

— Тумандаги илғор хўжаликлар пушталарга чигит экишнинг ғўза қатор ораларига ишлов беришда нақадар фойдали эканлигини амалда исботладилар. Абдулла Ортиқов номли, "Тинчлик", "Янги ҳаёт" жамоа хўжаликларида мўл ҳосил етиштирилгани ва пахта тайёрлаш режаси эрта муддатларда бажарилгани сабабларидан бири ҳам ана шу усулнинг кенг қўлланилганида бўлди, — деб гапида давом этди Саидрасул Мусаев. — Туман ҳокимлиги келгуси йилда бу усулни кенг оммалаштириш тадбирларини белгилади. Хўжаликларда камида 2 минг гектар майдонда пушталарга чигит экиш режалаштирилган. Ҳозир пушта кўтариш ишлари пировардига етмоқда.

Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалигидамиз. "Ерни ҳайдаб ҳам бўлдикки, қиш қишлигини бошлади. Сирасини айтганда бу ҳам табиатнинг деҳқонга катта бир инъоми бўлди, — дейди хўжалик раиси Миробид Мирбобоев. — Ана энди минерал ва маҳаллий ўғит солиб ҳайдалган ер қор остида мириқиб дам олиб, куч тўплайди. Аммо барака топгур механизаторларимиз 726 гектар ерни қўлдан чиқаргунча кеча-кундуз тиним нималигини билишмади.

## Деҳқон юмушлари

Хўжалик йилни яхши якунлаяпти. 635 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Фақат пахтагина эмас, ғалла, пилла, сабзавот, мева тайёрлаш режалари ҳам бажарилди. Аммо бригадаларда буёғи энди дам олиш экан, деган кайфият йўқ. Техника саройида 12 та пахта териш машиналари, чопиқ тракторлари, плуг, сеялка, култиваторлар борки, ҳаммаси олиб келиниб таъмирланмоқда. Бош муҳандис Маҳмуд Акромов бошчилигида махсус таъмирчилар бригадаси ташкил этилиб, энг тажрибали механизаторлар бу ишга жалб қилинди.

Абдулла Ўринбоев хўжаликдаги йирик бригадага раҳбарлик қилади. 120 гектар ери бор. Бригада аъзолари гектар бошига 35 центнердан хирмон кўтаришган. Ғулом Султонов билан Эрмон Ўрозов чигитни ўзлари эккан, қатор ораларига ўзлари ишлов берган ва йиғим-терим мавсумида ҳар бири 100 тоннадан ошириб пахта терган эдилар. Сўнгра ҳайдов тракторларини бошқариб, бир ҳафта деганда барча ерларни чуқур қилиб шудгорлаб, пуштасини кўтариб қўйишди. Энди эса тиркамали трактор билан кечгача далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришаяпти.

Шу куни "Тинчлик", Н. Ниёзов номли, "Янги ҳаёт" жамоа хўжаликларида ҳам қишки дала ишлари жадал олиб борилаётганлигини кўрдик.

— Деҳқонларимиз учун қиш бекорчилик эмас, — дейди "Янги ҳаёт" жамоа хўжалигининг раиси Абдуманнон Ўсканбоев, — Ҳамма ўз ўрнини билиб ишлаяпти. 800 гектар ерни сифатли қилиб ҳайдаб қўйдик. Ер тўқ — сен тўқ, деб бекорга айтмаган халқимиз. Ер ҳамир бўлса, ўғит — ҳамиртуруш. Шуни ҳисобга олиб шудгорлаш пайтида барча майдонларга минерал ўғитлар ҳам солдик. 200 гектар ерда пушта олинди. Ажриқ босган майдонларни гербицидлар билан дориладик.

...Туман хўжаликларида алоҳида эътибор берилаётган яна бир юмуш — 6700 гектар майдондаги ғалла майсаларини пайҳон бўлишдан сақланаётганлигидир. Бу пайтгача суғорилиб, гектарига 150 килограммдан азотли ўғитлар ва 100 килограммдан аммофос солиб озиқлантирилган майсаларнинг ривож[ланиши] яхши. Хўжаликларда милиция ходимлари ва ижарачилар иштирокида тузилган тезкор гуруҳ далаларни мол-ҳол киришидан сақлаяпти. Ҳар бир хонадон шу ҳақда огоҳлантириб қўйилди.

Қиш қишлигини қила бошлади. Далалар қор кўрпага бурканди. Ишнинг омади — ўз вақти, деган ҳақ гап бор халқимизда. Янгийўллик деҳқонлар шунга амал қилиб қишки юмушларини ҳам ўз вақтида сифатли қилиб бажариб қўймоқдалар.

**Рафиқ ТУРСУНОВ.**

*Бепарволик қачонгача?*

# ЗОРА ЭНДИ БАРТАРАФ ЭТИЛСА...

***ҲАЙРОН** бўлманг. Ўртачирчиқ тумани ҳудудидаги кўчаларда уйилиб ётган аҳлатларни, мактаблар, ошхоналар, айрим даволаш муассасаларидаги тартибсизлик, қаровсизликни, тозаликка зид ҳолатларни кўрсангиз ўзингиз ҳам ёпирай, наҳотки туман мутасаддилари шунчалик беларво бўлиб қолишган деб, ёқа ушлашингиз тайин.*

Келинг, яхшиси, аниқ мисолларга ўтақолайлик. Тумандаги 26-боғчанинг аҳволига нима дейишга ҳам ҳайронсан. Чиқинди сувлар поллар тагига уриб, қўланса ҳиддан болажонлар бурнини жийириб, совуқда дийдирашаётганини айтайликми, ёки боғча ҳудудини аҳлатлар уюми босиб кетганлигию, ошхоналарда идишлар яроқсиз ҳолга келганлиги, борларини ҳам санитария талабида ювилишига риоя этилмаётганлигини гапирайликми? Боғча мудираси Д. Ҳикматованинг бардошига балли. Тарбия масканида рўй берган бу аҳволга лом-мим демай чидаб келяпти-ку, ахир. Қойил!!!

Туманда бундай ҳолатга чидаётган биргина у эмас, А. Қуддусова мудирлик қилаётган 6-боғчада ҳам тарбиячилар тишларини-тишларига қўйиб келишмоқда. Бу ерда гепатит касаллигининг икки ҳолати рўйхатга олинган. Тиббиёт ҳамшираси эса ажратилмаган. Боғчада дезинфекциялаш воситалари анқонинг уруғига айланганлигига анча бўлди. Овқат тайёрлашдаги ноқулайликларни-ку, қўяверинг.

— Тўхтанг, тўхтанг. Бу боғчалар аҳволи ҳали ҳолва экан. Туман халқ таълимига қарашли 10-ўрта мактабга кираверишда ўрнатилган 6 та қўл ювгич (раковина)нинг сув кўрмай ҳасратда ўтаётганлигидан ҳам огоҳ бўлиб қўйинг. Вақтингизни ўтказиб, галма-гал жўмракларни бураб юрманг. Ҳожатдан келган болалар қўл ювмасликлари одат тусига кириб қолди. 59-мактаб қиёфасига фақат маймунлар эмас, гоҳо раҳбарларнинг ўзлари ҳам йиғлаб қўяқолишади. Синф хоналари ифлос, парта, доскалар, бўёқ кўрмай ўтмоқда. Бу мактабда ҳам уч нафар ўқувчи гепатитга чалинган. Аммо ўқув масканининг пешонасига дезинфекциялаш насиб этмаган экан.

Туман туғруқхонаси иссиқ сув билан таъмин этилмаган. Кирхонада учта кир ювиш машинасидан иккитаси аллақачон ишдан чиққан. Ванналардаги чиқинди сувлар оқава сув тармоғига уланмаганлиги боис, хона полига тўкилиб туғруқхона ерига оқизиб юборилмоқда.

«Қабул-Тўйтепа-текстил" корхонаси, болалар шифохонасидаги чиқинди уюмларини тасвирлашга сўз ожиз. Деҳқон бозорида тозалик бўйича бирмунча ишлар қилинганлигига қарамай, ҳамон долзарб ва муҳим тадбирлар ҳал этилмаган. Тўғри, вилоят комиссияси текширувидан кейин туман фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссияси дарҳол йиғилиш ўтказиб аниқ тадбирлар белгилади. Бу яхши. Лекин уларнинг амалга оширига ким кафолат бера олади. Ахир туманда бунақа "ЧПҚ"лардан илгари ҳам кўпи ўтган-ку. Лекин туб сабаблари билан қизиқиб, уларни бартараф этишга ирода етишмаяпти.

Энди ёпирай, наҳотки, дейишга ўрин йўқ. Белгиланган чоралар енг шимариб бартараф этилса бўлди, холос.

***Суратларда:** Тўйтепа шаҳридаги Эргаш Каримов кўчасидаги аҳлат уюмларини кўриб турибсиз; тумандаги 26-боғча ошхонаси аста-секин нураб бормоқда.*

**Даврон Аҳмад олган суратлар.**






# ҲАЛҚАРО ҲАЁТ

### ТЕЛ—АВИВ

● Хамас ислом гуруҳининг йўлбошчиси шайх Аҳмад Ясин Исроил ҳукумати Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ҳудудларини қайтариб бергандагина бу минтақада қўпорувчилик ҳаракатлари олиб борилмаслигини маълум қилди.

У Исроил телевидениесида сўзга чиқиб, бу ҳудудни Исроил 1967 йилда зўрлик билан босиб олганлигини айтиб ўтди. Бироқ, Исроил томони шайх Аҳмад Ясиннинг бу гапларига ҳозирча муносабат билдиргани йўқ.

### ХАНОЙ

● Япония ҳукумати Ветнамга беш юз минг доллар миқдорда маблағ ажратишини маълум қилди. Бу маблағ асосан мамлакатда маданият ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, хусусан, пойтахтда замонавий киномарказ қурилиши учун сарфланади. Бу Япониянинг мазкур соҳа ривожи учун жорий йилда Ветнамга кўрсатган иккинчи ёрдамидир.

### БОНН

● Германия мудофаа вазири Фолкер Рюенинг баёнот беришича, ушбу мамлакат ҳарбийларининг Боснияда тинчлик сақлаш миссияси муддати узайтирилади.

Фолкер Рюенинг айтишича, мамлакат ҳарбийлари Боснияда АҚШнинг тинчликни сақлаш кучларига ёрдам беради. Улар мазкур минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда ҳамда республиканинг иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

### ПРАГА

● Чехияда "Нигерия наркомафияси" деб аталувчи йирик жиноятчилар тўдаси тугатилди. Мазкур гуруҳни қўлга олиш операциясида Европанинг бир қанча мамлакатлари, шунингдек АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирок этди.

Гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланувчи мазкур гуруҳнинг 20 нафар аъзоси ҳибсга олинди. Шунингдек, ўтказилган операция натижасида 100 килограммга яқин наркотик модда мусодара қилинди.

### ПЕКИН

● Энди Хитой полиция маҳкамасининг зобитлари келгуси икки йил давомида касбий фаолиятга яроқлилик, жисмоний, сиёсий ва маънавий тайёргарлик бўйича тест синовларини топширишларига тўғри келади.

Давлат умумхавфсизлик маҳкамаси раҳбариятининг маълум қилишича, бу тадбир ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари учун кадрлар танлашга кўмаклашади. Шунингдек, бу полицияда ишлашга нолойиқ бўлганларни ишдан четлатиш имконини ҳам беради.

**(ЎзА).**

